

## **ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ЎРТАСИДА СОДИР ЭТИЛАЁТГАН ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ТУШУНЧАСИ ВА ЎЗИГА ХОС ЖИХАТЛАРИ**

**Узакбаев Куанышбай Гайыпбаевич**  
Ўзбекистон Республикаси ИИВ  
Академияси Магистратура тингловчиси

### **АННОТАЦИЯ**

*Мазкур тадқиқот жараёнида вояга етмаганлар ўртасида содир этилаётган ҳуқуқбузарликларнинг келтириб чиқарувчи сабаблари таҳлил қилиб ўтилди. Шу билан бирга ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги чоралар таклифи берилди.*

**Калит сўзлар:** ҳуқуқбузарлик, вояга етмаган шахс, индивид, майда безорилик, ҳуқуқ, чора.

### **АННОТАЦИЯ**

*В ходе данного исследования были проанализированы причины правонарушений несовершеннолетних. При этом были предложены меры по недопущению нарушений.*

**Ключевые слова:** правонарушение, несовершеннолетний, физическое лицо, мелкое хулиганство, закон, средство правовой защиты.

### **ABSTRACT**

*In the course of this study, the causes of juvenile delinquency were analyzed. At the same time, measures were proposed to prevent violations.*

**Keywords:** offense, juvenile, individual, petty hooliganism, law, remedy.

### **КИРИШ**

Ҳар қандай давлатнинг тарихий тараққиёти, мамлакатнинг жадал ривожланиши, муайян ютуқларга эришиши, халқнинг фаровон бўлиши ўша давлатда ёшлар таълим-тарбияси ва келажагига бериладиган эътибор билан чамбарчас боғлиқдир. Ўзбекистонда ёшлар масаласи давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга зарур шарт-шароитлар ва имкониятлар яратиб бериш борасида мустаҳкам ҳуқуқий база яратилган ва бу тизим замон талабларига мос равишда такомиллаштириб борилмоқда.

Вояга етмаганлар жиноятчилиги ўтмиш ва ҳозирда ҳам долзарб муаммолардан бири бўлиб келган. Келажакда ҳам шундай бўлиб қолади, чунки вояга етмаганлар миллат, халқ, давлатнинг келажагини белгилаб берувчи кучдир. Вояга етмаганлар жиноятчилигининг яна бир аҳамиятли

жиҳати шундаки, у барвақт профилактиканинг асосий объектлардан бири ҳисобланади.

Бинобарин, вояга етмаганлар жинойтчилигининг сабаб ва унга имкон берган шарт-шароитларни ўрганиш орқали вояга етмаганлар жинойтчилигини олдини олиш ва уни барвақт профилактикасини ташкил этишга эришилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 19 сентябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқида “Шу муносабат билан одамлар, биринчи навбатда, ёшларнинг онгу тафаккурини маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялаш энг муҳим вазифадир. Экстремистик фаолият ва зўравонлик билан боғлиқ жинойтларнинг аксарияти 30 ёшга етмаган ёшлар томонидан содир этилмоқда. Бугунги дунё ёшлари – сон жиҳатидан бутун инсоният тарихидаги энг йирик авлоддир, чунки улар 2 миллиард кишини ташкил этмоқда. Сайёрамизнинг эртанги куни, фаровонлиги фарзандларимиз қандай инсон бўлиб камолга етиши билан боғлиқ. Бизнинг асосий вазифамиз – ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратиш, зўравонлик ғояси «вируси» тарқалишининг олдини олишдир. Бунинг учун ёш авлодни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш лозим, деб ҳисоблаймиз<sup>1</sup>” деган сўзлари ҳам вояга етмаганлар жинойтчилигини ўрганиш, уни таҳлил этиш ва барвақт профилактикасини амалга ошириш зарурати мавжудлигини кўрсатади.

## **МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР**

Бугунги кунда мамлакатимиз аҳолисининг 40 фоизга яқинини вояга етмаганлар ташкил этиши вояга етмаганлар жамият ва давлат ривожига таъсир этувчи ва ҳал қилувчи асосий омил эканлигидан далолат беради.

Азалдан мамлакатимизда фарзанд дунёга келганидан бошлаб, то камолга етгунига қадар унинг таъминоти, таълим-тарбияси ва билим олиши, касб-ҳунар эгаллашига, умуман, етук инсон бўлиб камол топишига алоҳида эътибор қаратиб келинган.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йилда мамлакатимизни ривожлантиришнинг энг муҳим

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи // <http://uza.uz>.

устувор вазифалари тўғрисидаги Парламентга Муржаатномасида: “Халқимизда “таълим ва тарбия бешикдан бошланади” деган ҳикматли бир сўз бор. Фақат маърифат инсонни камолга, жамиятни тараққиётга етаклайди<sup>2</sup>” деган фикрлари ҳам сўзимизни яна бир бор исботлайди.

Вояга етмаганларни ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний кадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларни терроризм, диний экстремизм, «оммавий маданият», зўравонлик ва шафқатсизлик ғояларидан ҳимоялаш вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликларининг олдини олишга хизмат қилади. Афсуски, ҳозирда вояга етмаганлар томонидан жиноятларнинг барча турлари содир этилмоқда.

Вояга етмаганлар ҳуқуқбузарлиги профилактикасининг долзарблиги, аввало, бу йўналишдаги жиноятларнинг динамикаси билан эмас, балки унинг жамиятга ижтимоий салбий таъсири билан боғлиқдир. Чунки вояга етмаганлар жиноятчилигининг миқдор кўрсаткичи жуда кам бўлсада, бироқ ижтимоий нуқтаи назардан катта йўқотишлар рўй беради. Масалан, бутун бир мактаб ёки маҳаллада атиги бир нафар вояга етмаган шахс жиноят содир қилган бўлса ҳам, бу ҳол мактаб ёки маҳаллада болалар таълими ва тарбияси борасида жиддий нуқсонлар борлигини кўрсатади<sup>3</sup>.

Жамият тараққиёти ва унинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатувчи жиноятчилик доимий равишда ҳуқуқшунос олимлар, турли соҳа мутахассислари, қолаверса, жамиятнинг ҳар бир аъзоси эътиборида бўлганлиги ва бўлаётганлиги ҳаммамизга маълум. Инсоният, жамият жиноятчилигининг зарарли оқибатларидан азият чекиб келганлиги сабабли жиноятчиликка қарши курашиш муаммосини ўрганиб, унинг олдини олишга ҳаракат қилиб келади. Аммо аксарият ҳолларда жиноятчилик муаммосини ўрганишнинг асосий мақсади содир қилинган жиноятни аниқлаш ва айбдорни жазолаш билан кифояланганлигини кўришимиз мумкин.

Таъкидлаш жоизки, жиноятчиликка қарши курашиш ва унинг олдини олиш давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири бўлиб, унда вояга етмаганлар жиноятчилигининг сабаблари ва унга имкон берган шарт-шароитларни ўрганиш асосий ўрин тутаяди. Шу нуқтаи назардан, вояга етмаганлар жиноятчилигининг ҳуқуқий табиати ва ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этиш долзарб ҳисобланади.

Жамиятдаги иқтисодий-ижтимоий муносабатлар доирасида вужудга келувчи жиноятчиликнинг сабаблари, жиноятчининг шахси, унинг шахсий хусусиятлари

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси //Халқ сўзи. – 2018. – 29 дек.

<sup>3</sup>Ғофуров Ш.Р. Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини такомиллаштириш масалалари // Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси. – 2017. – №3. – Б.64.

нималарда намоён бўлади? деган саволларга жавоб топишга бўлган интилиш илк уйғониш даври файласуфлари, тарихчилари ва ҳуқуқшунослари томонидан тадқиқ этилган, жинойтчилик муаммолари ижтимоий-табиий фанларнинг турли соҳа олимлари эътиборини жалб этиб келган.

Ҳуқуқ назарияси, қонунчилик ҳамда вояга етмаганлар жинойтчилигига қарши курашиш ва унинг барвақт олдини олиш амалиётида “вояга етмаган”, “жинойт”, “жинойтчилик”, “вояга етмаганлар жинойтчилиги”, “вояга етмаганлар жинойтчилигининг олдини олиш”, “вояга етмаганлар жинойтчилигининг профилактикаси” каби мазмунан ўзаро алоқадор бўлган тушунчалардан фойдаланилмоқда. Олимлар ўртасида бугунгача “вояга етмаганлар жинойтчилиги” тушунчасига оид қарашлар шаклланган бўлса-да, тадқиқ этилаётган масалага нисбатан ягона ҳамда умумэътироф этилган ёндашув мавжуд эмас. Таҳлил қилинаётган тушунчанинг умумий ҳуқуқ назарияси ва қонунни қўллаш амалиётида турлича талқин этилаётганлиги, амалдаги қонунчиликда ушбу атама таърифининг очиқ қолганлиги, унинг мазмуни, амал қилиш доирасини белгилаш имконини пасайтиради.

Бу эса ўз навбатида “вояга етмаганлар жинойтчилиги” тушунчаси, моҳияти ва аҳамиятини ҳар тарафлама чуқур таҳлил этиш заруратини юзага келтиради. Зеро, ҳар қандай ҳуқуқий институт сингари вояга етмаганлар жинойтчилигининг илмий-назарий асосларини пухта ишлаб чиқиш, амалиётда жинойтчиликка қарши курашиш ва олдини олишда муваффақиятли ва самарали ишлашининг гарови бўлиб хизмат қилиши табиийдир.

Жинойтчилик тузилишини ўрганиш унинг моҳиятини, ички қонуниятларини очиб беришга ёрдам беради. Жинойтчилик тузилишида, аввало, унинг асосий таркибий қисми бўлган, жинойтчиликнинг умуман жамиятнинг қандай аҳволда эканлигини кўрсатиб берувчи вояга етмаганлар жинойтчилигининг ҳиссасини ўрганиш керак.

Жинойтчилик ҳодисасини бир бутун деб оладиган бўлсак, вояга етмаганлар жинойтчилиги унинг ажралмас, асосий қисми ҳисобланади. Чунки, болалик ёки ўсмирликда содир этилган жинойт баъзан кишига бутун умр ҳамроҳ бўлиши мумкин, чунки тадқиқотлар рецидивистларнинг кўпчилиги биринчи жинойтини вояга етмасидан содир этганлигини кўрсатмоқда. Шу боисдан дунё миқёсида вояга етмаганлар жинойтчилиги муаммосини ҳар томонлама тадқиқ этиш ва унинг олдини олиш энг долзарб масалалардан бўлиб қолмоқда.

Жинойтчилик – муайян ҳудудда, маълум вақт мобайнида содир этилган жинойтлар йиғиндиси эканлигидан келиб чиқиб таъкидлаш жоизки, ёшлар

жиноятчилигига барча даврларда криминология фанининг асосий масалаларидан бири сифатида қараб келинган. Шу сабабли ҳам мазкур муаммо доимо олимларнинг диққат марказида бўлган. Зеро, ёшлар ўртасидаги жиноятчиликни тўғри тушуниш нафақат мазкур тоифадаги жиноятчиликка қарши курашишнинг энг самарали усуллари ишлаб чиқишга, балки барча турдаги жиноятчиликнинг келгусидаги ҳолати ҳақида фикр юритишга имкон беради. С.А. Корягинанинг ёзишича, “ёшлар орасида жиноятчиликнинг тарқалиши, ҳеч қандай асоссиз барча турдаги жиноятларнинг ривожланиш хусусиятларини прогноз қилиш имкониятини яратади”<sup>4</sup>.

“Ҳар қандай жамият ҳеч қачон бир жойда тўхтаб турмайди. Шунга муносиб ижтимоий жараёнларни тартибга солиб турувчи ҳуқуқ нормалари ҳам такомиллаштирилиши, тизимлар ўзгартирилиб замон талабларига мослаштириб борилади”<sup>5</sup>.

Айрим олимлар фикрича, вояга етмаганлар содир этган жиноятлар умумий жиноятчиликнинг бошланиш босқичидир. Ёш жиҳатидан бошқа турдаги жиноятчилар шахсига хос хусусиятларнинг мавжудлиги алоҳида хавфли бўлган вояга етмаганлар жиноятчилигини келтириб чиқаради.

К.Ю.Логинова вояга етмаганларнинг мулкий жиноятчилигини ўрганиб, “вояга етмаганларнинг мулкий жиноятчилиги – Россия Федерацияси Жиноят кодексининг 21-бобида назарда тутилган мулкка қарши жиноятлар йиғиндисидан ташкил топган, предмети ўзганинг мулки бўлган, 14-17 ёшдаги шахслар томонидан муайян ҳудудда, маълум вақт мобайнида содир этилган салбий ижтимоий-ҳуқуқий, оммавий ҳодиса»<sup>6</sup> дейди.

К.Ю.Логинованинг вояга етмаганларнинг мулкий жиноятчилигига берган таърифидаги “14-17 ёшдаги шахслар” деган сўзларига қўшилмасдан, халқаро ва миллий қонунчилигимизда 18 ёшгача бу вояга етмаган ёш эканлиги мустаҳкамланганлиги боис “14-18 ёшдаги шахслар” дейилиши мақсадга мувофиқ бўлади, деб ҳисоблаймиз.

Н.А. Рамазонова вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларни тергов қилиш фаолиятини ўрганиб, “вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар деганда жиноят қонунчилигида назарда

<sup>4</sup> Корягина С.А. Анализ динамики состояния и структуры региональной преступности // Криминология. – 2007. – № 10. – С. 15-18.

<sup>5</sup> Мухамедов Ў.Х. Қонун ҳужжатларини такомиллаштиришнинг истикболли вазифалари // Ҳуқуқ – право – Law. – 2005. – № 4 (32). – Б.97.

<sup>6</sup> Логинова К.Ю. Имущественная преступность несовершеннолетних и меры её предупреждения: автореф....дис. канд. юрид. наук. – Томск., 2015. – С. 6.



тутилган жиноий жавобгарликнинг минимал ёши ва миллий қонунчилик асосида вояга етиш ёши сифатида тан олинган ёшга етгунга қадар содир этилган жиноятлар тушунилади”<sup>7</sup> деган таърифни илгари сурган. Биз, Н.А. Рамазонованинг вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларга берган таърифига қўшилмаймиз, чунки унда вояга етмаганнинг аниқ ёш чегарасини белгилаши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Я.В. Самиулина аёл жинсидаги вояга етмаганлар жиноятчилигини ўрганиб, “вояга етмаган аёлларнинг жинояти замонавий жиноятчиликнинг ўзига хос тури бўлиб, унинг ўзига хослиги кичик жиноятчи шахсининг ўзига хос хусусиятлари билан белгиланди ва миқдор ва сифат кўрсаткичларга эга бўлган муайян ҳудудда маълум вақт давомида 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган аёллар томонидан содир этилган барча жиноятларнинг йиғиндисидир”<sup>8</sup> дейди. Фикримизча, сўнги таъриф илгариги муаллифларникига нисбатан анча мукамалдир.

Вояга етмаганлар жиноятчилиги катталар жиноятчилиги каби ижтимоий хавфли ҳодисадир, чунки, у:

– жамият тарақиётига, иқтисодий ислохотларга ва давлат бошқарувида тўсқинлик қилади;

– жамият сокинлигини, жамоат тартибини ва аҳолининг осойишта ҳаётини бузади, ижтимоий ва сиёсий вазиятни кескинлаштиради;

– инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари бузилишига, ижтимоий ҳаётнинг ёмонлашувига ва ижтимоий институтларнинг беқарорлигига олиб келиши мумкин;

– жамият аъзоларига етказилаётган моддий, маънавий ва жисмоний зарари билан инсонларда ишончсизлик, ваҳима, қўрқув ҳиссини уйғотади;

– мустаҳкам фикрга эга бўлмаган тенгдошларининг хулқ-атворини бузади, уларни жиноят содир этишга ундайди;

– жиноятчиликнинг сабаб ва шароитларини янада кучайтиради ва ҳ.к..

Ижтимоий ҳодиса сифатида вояга етмаганлар жиноятчилиги жамият мавжуд ижтимоий муносабатларининг маҳсули сифатида тарихан ўзгарувчандир. У ҳам жамиятнинг ривожланиши билан миқдор ва сифат жиҳатдан ўзгариб боради.

Ижтимоий жиҳатдан, жиноятчилик ёмон ишларнинг такрорланадиган кўриниши. Шу нуқтаий назардан келиб чиқиб, Салех Али Салем Аль-Марфадий вояга етмаганларнинг хулқ-атворидаги оғишни гуруҳларга

<sup>7</sup> Рамазонова Н.А. Вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларни тергов қилиш услубиёти: юридик фанлар доктори диссертацияси автореферати. – Т., 2020. 23 б. Б. 17.

<sup>8</sup> Самиулина Я.В. Личность несовершеннолетней преступницы и воздействие на нее: автореф....дис. канд. юрид. наук. – Тамбов., 2009. – С. 11.

бирлаштириш орқали уларни шартли равишда кенгайтиришни таклиф этиб, қийин болалар, руҳий касал болалар, ташлаб кетилган ва адашган болалар<sup>9</sup> каби гуруҳларга ажратилган.

Биз юқоридаги фикрга қўшилмаймиз, чунки вояга етмаганлар жиноятчилиги содир этилган жиноятлар таркибидан иборатдир. Жиноят учун жавобгарлик ЖК билан белгиланади ва тартибга солинади. Шундан келиб чиқиб, вояга етмаганлар жиноятчилигини жиноят-хукуқий ҳодиса сифатида ўрганилади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 17-моддасига асосан, жиноят содир этгунга қадар ўн олти ёшга тўлган, ақли расо жисмоний шахслар ҳамда жиноят содир этгунга қадар ўн уч ёшга тўлган шахслар жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдирганликлари (97-моддаси иккинчи қисми) учунгина шунингдек, жиноят содир этгунга қадар ўн тўрт ёшга тўлган шахслар ушбу Кодекс 97-моддаси биринчи қисми, 98, 104 — 106, 118, 119, 137, 164 — 166, 169-моддалари, 173-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмлари, 220, 222, 247, 252, 263, 267, 271-моддалари, 277-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган жиноятлар учун жавобгарликка тортилиши белгилаб берилган<sup>10</sup>.

Республикамиздаги жами вояга етмаганлар жиноятчилигини таҳлил қилганда ёш бўйича ажратиш мақсадга мувофиқ бўлади. Республикамизда жами вояга етмаганларнинг 18,7%ни жиний жавобгарлик ёшига (14-18 ёш) етганлар ташкил этади.

Вояга етмаганлар жиноятчилигининг миқдор ва сифат кўрсаткичлари бири-бири билан узвий боғлиқдир. Агар, уларнинг бири бутунлай ёки маълум бир қисми ўзгарса, албатта иккинчисининг ҳам бутунлай ёки маълум бир қисми ўзгаради. Вояга етмаганлар жиноятчилигининг миқдор ва сифат кўрсаткичлари вояга етмаганлар жиноятчилигининг динамикаси, даражаси ва тузилиши орқали очиб берилади.

Баъзи адабиётларда юқоридагилардан ташқари «жиноятчилик ҳолати» ибораси ҳам ишлатилади. И.И.Карпецнинг фикрига кўра, “Жиноятчилик ҳолати содир этилган жиноятлар ва уларни содир этган шахслар миқдоридир”<sup>11</sup>. Ушбу фикрни маъқуллаш мумкин, чунки жиноятчиликнинг умумий ҳолатини содир

<sup>9</sup> Салех Али Салем Аль-Марфадий. Криминологические и социально-психологические особенности преступности несовершеннолетних в Республике Йемен. Диссертация на соискание ученой степени кандидата юридических наук. Ташкент. 1997. С. 24-25.

<sup>10</sup>Изох: Англияда 8, Грецияда 13, Швецияда 15, Финляндияда 16, Миср, Ливан, Ироқ ва АҚШда 7, Исроилда 9, Эрон, Туркияда 11 ёшдан жиний жавобгарликка тортилиши мумкин.

<sup>11</sup> Карпец И.И. Проблема преступности. – М., 1969. – 109 с.

этилган жинойтлар билан бир вақтда уни содир этган шахслар ҳам ташкил этади. Бизнингча, жинойтчиликнинг ҳолати миқдор ва сифат кўрсаткичлари орқали аниқланади. Жинойтчиликнинг миқдор кўрсаткичлари жинойтчиликнинг динамикаси орқали очиб берилса жинойтчиликнинг сифат кўрсаткичларини эса жинойтчиликнинг даражаси ва тузилиши ташкил этади.

Вояга етмаганлар жинойтчилигининг динамикаси, даражаси ва тузилишини аниқлашнинг ўзига хос хусусиятларига тўхталадиган бўлсак, жинойтчилик динамикаси деганда муайян давр (ой, йилнинг чораги, ярим йиллик, йиллик, беш йиллик, ўн йиллик, йигирма йиллик ва ҳ.к.) оралиғида умуман жинойтчилик ҳамда унинг миқдор ва сифат кўрсаткичларининг ўсиши ёки камайиши тушунилади.

### **ХУЛОСА**

Республикамизда вояга етмаганлар учун умумтаълим мактабларида билим олишга шарт-шароитлар яратилган, бироқ айрим ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан вояга етмаганларни билим олишига тўсқинлик қилиш ҳолатлари мавжудлиги ачинарли ҳолдир. Давлатимиз томонидан вояга етмаганларнинг билим олишига тўсқинлик ёки қаршилик қилиш ҳолатларини олдини олиш ва унга қарши курашиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 47-моддасида жавобгарлик белгиланган.

Шундай қилиб, вояга етмаганларнинг жинойт содир этишлари ҳамда юқоридаги каби салбий ҳолатларни олдини олишда комплекс таъсир кўрсатиш (оила-мактаб-маҳалла) зарур. Шу билан бирга, вояга етмаганлар онгига жинойтчилик, хусусан, спиртли ичимлик, гиёҳванд ва психотроп моддаларни истеъмол қилиш зарарини сингдиришда миллий қадриятларимизни сарчашмаси бўлмиш шариат қоидаларини ҳам тушунтирмоғимиз лозим.

### **REFERENCES**

1. Узакбаев, К. Г. (2022). ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ЎРТАСИДА СОДИР ЭТИЛАЁТГАН ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ТАҲЛИЛИ: ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ. *Central Asian Research Journal for Interdisciplinary Studies (CARJIS)*, 2(5), 346-355.
2. Jurayev, S. S. O. G. L. (2022). ABU ALI IBN SINONING INSON VA UNING MA'NAVIY KAMOLOT MASALASIGA MUNOSABATI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(Special Issue 23), 902-908.